

Таом бериш, саломни ёйиш ва тунги намоз ҳақида (35-тавсия)



13:49 / 03.08.2017 8391

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен сизни кўрсам кўнглим ёришади, кўзим қувонади. Менга барча нарсалар (нимадан яратилгани) ҳақида айтиб беринг», дедим.

«Ҳамма нарса сувдан яратилган», дедилар.

«Менга агар уни қилсам, жаннатга киритадиган амал ҳақида айтиб беринг», дедим.

«Таом бер, саломни ёй, силаи раҳм қил, одамлар уйқудалигида тунда намоз ўқи, шунда жаннатга саломат кирасан», дедилар».

Аҳмад, Ибн Абуд-Дунё ва Ибн Ҳиббонлар ривоят қилишган. Лафз Ибн Ҳиббонники.

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳамма нарса сувдан яратилган», деган сўзларини тушуниш учун қуйида Анбиё сурасидаги 30-оятининг тафсири келтирамиз:

«Аллоҳ таоло шундай деган: **«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлганини, бас, уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмайдиларми? Иймон келтирмайдиларми?»**»

Ушбу ояти карима маъноси хусусида қадимги ва ҳозирги тафсирчиларимиз ўзларидаги илм, маърифат ва тушунчаларга кўра, бир неча хил маънолар айтганлар.

Биринчиси Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган бўлиб, унга биноан: «Осмон ёпиқ эди, Биз уни очдик ва ёмғир-қор ёғдирдик, оқибатда ўша сув ила ҳамма тирик нарсалар пайдо бўлди».

Иккинчиси бошқа баъзи бир муфассирларнинг фикрлари бўлиб, унга кўра: «Осмонлару ер йўқ эди, уларни Биз яратдик, сўнгра сувдан тирик нарсаларни пайдо қилдик».

Учинчиси Ибн Аббос, Икрима, Ҳасан, Қатода розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинган бўлиб, унга биноан: «Осмонлару ер бир-бирига битишган бир нарса эди, Биз уларнинг орасини очдик, сўнгра сувдан тирик нарсаларни пайдо қилдик».

Тўртинчиси ҳозирги замондаги баъзи тафсирчиларнинг фикрлари бўлиб, учинчи маънога яқин келади. Унга биноан: осмону ер, юлдузлару қуёш – ҳамма-ҳаммаси бир бутун эди. Сўнгра Аллоҳнинг иродаси ила кўп айланиш ва ички портлашлар оқибатида парчаланиб, алоҳида-алоҳида бўлиб кетди: қуёш алоҳида, ер алоҳида, ой алоҳида, юлдузлар алоҳида ва бошқа нарсалар ҳам алоҳида бўлди. Сувдан эса барча тирик нарсалар, инсонлар, ҳайвонлар ва набототлар пайдо қилинди («Тафсири Ҳилол»дан).

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатда шундай хоналар борки таши ичидан, ичи ташидан кўриниб туради. Аллоҳ уларни таом берган, саломни ёйган ва одамлар уйқудалигида тунда намоз

Ўқиганлар учун тайёрлаб қўйган», дедилар».

Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Ушбу ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Ҳамма нарса сувдан яратилган.
2. Жаннатга киритадиган амал ҳақида сўраш жоиз.
3. Мискин, мухтожларга таом бериш жаннатга етакловчи амал экан.
4. Катта-ю кичик, таниган танимаганга салом бериш ҳам жаннатга олиб борувчи амал экан.
5. Қариндошлик ришталарини боғлаб туриш ҳам жаннатга киритадиган амал экан.
6. Тунда одамлар уйқудалигида таҳажжуд намозини ўқиш ҳам жаннатий бўлишга сабаб бўлар экан.
7. Юқорида санаб ўтилган амалларни қилган одамга Аллоҳ жаннатда таши ичидан, ичи ташидан кўриниб турадиган хоналар тайёрлаб қўйганини башоратини бермоқда.

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф тайёрлади